Хотира

# ҚАНДАЙ ГЎЗАЛ ДЎСТ ЭДИ У

Уни илк бор 1985 йилда “Саодат” журнали таҳририятида кўрганман.

У Бош муҳаррир ҳузурида бўлиб, кейин бизнинг хоналарга чиққан, ўзини таништиргач, очиқ кўнгил билан шундай degани ёдимда:

— Ҳаммаларингизни Улуғбек шаҳарчасига, олимлар билан учрашувга таклиф қилиб келдим. Журналист аёллар эшитадиган гаплар кўп.

У Ватаннинг “бахт-саодати”-га битта “Саодат” журнали ёки бошқа матбуот органлари ёки журналистлар сабабчи каби куйиб-пишар, бу нарсаларнинг жилови Буюк пойтахт қўлида эканини билиб тургани ҳолда куйган юрагини очиб, бирозгина бўлса-да, енгил тортарди, холос... Биз ўша куни ўзбек деҳқонининг турмуш тарзи, оналар ва болалар соғлиғи, Орол муаммолари хусусида анча вақтгача биримиз олиб, биримиз қўйиб фикрлашдик, баҳслашдик. Назаримда, кўнгилларимиз ўзига кўнгилдош топгандек эди. Шу-шу биз ҳар гал учрашганимизда ўзимизни янгидан кашф этаётгандек бўлардик.

Меҳнаткаш ўзбек аёллари сирти ялтироқ, ичи қалтироқ синтетик нарсаларга шу қадар ўч даврга ўтдикки, Ҳафизахон бунинг соғлиққа зарарини биринчилардан бўлиб англаб етган зиёлилардан эди. У давраларда “6 миллион тонна!” пахта тоғларини бунёд этган халқнинг бир ҳовуч елимдан тўқилган кремплин, нейлон, сейлон ва ҳоказо матолардан тикилган либослар кийиши саломатлик кушандаси эканлигини билатуриб, тиббиётимиз бу ҳақда, ғинг, демаслигидан ҳайратланиб гапирарди. Ўзимиз ҳам ўшандай синтетик кристаллон кўйлакларни 120-150 сўмдан олиб кийганмиз (ўша вақтдаги 100 рубль 100 доллардан босим турарди). Кристаллонлар гулига қараб, бир кийимлиги 200 сўмдан ҳам қиммат турарди, сепида кристаллони бўлмаган келинлар ҳатто ўзини “томдан ташлаб юбориши” мумкин эди. Ҳафизахон эса ўзаро давраларимизда “ювибсиқиб, дазмолламасдан кийилавериладиган” бу матолар инсон соғлиғининг душмани, дея жон куйдирарди.

Ҳафизахоннинг таклифи билан ўша йилларда хотин-қизлар журналида колхозчи хотин-қизларнинг иш кийимлари, чит кўйлакнинг чиройи каби мавзуларда мақолалар ёзилди...

Ҳафизахон Насруллаеванинг ҳаётга катта бир масъулият билан қаровчи инсон эканлигини кўрсатувчи бу каби мисолларни жуда кўп гапириш мумкин. У фақат миллатпарваргина эмас, том маънода инсонпарвар эди.

Ҳафизахон маънавиятимизни бойитиш, қадриятларимизни асраш, аёлнинг жамиятдаги ўрни каби мавзуларда Ўзбекистон радиосида, маҳаллий матбуотда, ҳатто чет эл матбуотида ҳам чиқишлар қилган. Натижада унинг фикрлари жаҳон тараққийпарвар аёлларининг назарига тушиб, у 1994 йилда Лондонда бўлиб ўтган жаҳон маърифатпарвар аёллари анжуманида иштирок этиш бахтига муяссар бўлди. У анжуман қатнашчиларининг ўзбек аёллари хусусидаги баъзи нотўғри хулосаларини очиқлаб беришга эришди. Ўзбек аёлининг менталитети, миллий маданиятимиздаги ўзига хос анъанавийликнинг салбий ва ижобий жиҳатларини кўрсатиб берувчи маърузаси билан анжуман қатнашчиларида ижобий таассурот қолдирди.

Ҳафизахон меҳнат фаолияти давомида аёл руҳиятини англаш устида доим изланишда экан, Қуръони карим маъноларининг илк ўзбекча таржимаси чиқиши билан турмуш ўртоғи, дўсти ва маслакдоши, физика-математика фанлари доктори, профессор Иззатулло Нуриддинов билан биргаликда уни ўрганишга жадал киришиб кетди. У ҳар бир оят мазмунидан ҳайратланар, ҳаяжонини оиласи билан баҳам кўрарди.

... Ўлим Ҳақлиги билан сафимизга қўл чўзиб, Ҳафизахон Насруллаевадек қадрдон бир сафдошимизни қаторимиздан фожеали равишда юлиб олди. Бу воқеа 2002 йилнинг 11 декабрида, унинг 49 ёшида, руҳан ижодий кучга тўлган, фикрлари қиёмига етган, тақдирнинг неъматига шукр, балосига сабр, қазосига розилик мақомининг илк пиллапояларидан журъат ила кўтарилиб бораётган бир муборак кунларда содир бўлди. Начора, битик шу: “Инналиллаҳи ва инна илайҳи рожиун — Ўзидан эдик, Ўзига қайтгувчимиз”. Ҳар биримиз интилганимиз боқий ҳаётга фақат “ўлим” отли дарвоза орқали киришимизни билганликдан, такбиру таҳлил ила дўстимизнинг чин дунёсига ободлик тиладик.

Кунлар Ҳафизахон дўстимизсиз ўтаётгандек эса-да, унинг соғинчлари, кулиб турган руҳий олами, саховат ва халқ меҳр-муҳаббати ила кечган ҳаёти-дунёси хотиралари ёдимизга, кўнглимизга ҳамроҳлигидан таскин оламиз. У сафимизда йўқ, аммо, наздимизда, унинг амал дафтари саҳифалари ҳамон очиқ тургандек. Чунки ундан Ҳадиси



муборакда таъкидланганидек, солиҳ фарзандлар, муносиб шогирдлар, маънили илмий ишлар ёдгор қолди.

Албатта, дўстимиз хотираси улар қалбида мангу яшайди. Жумладан, комила қизлари Ферузахон ўз қалб туғёнини шундай баён қилади:

“Ҳаётимда шу пайтгача кўрган қишларимнинг энг совуқ ва энг узуни ўтиб, баҳор келди.

Бу йилги қиш ҳақиқий қиш бўлди, десам адашмайман. Қор устига қор, изғирин устига изғирин, унинг устига совуқ қишда аяжонимдан ажраб қолдим. Балки шунинг учун ҳам қиш менга узун ва совуқ туюлгандир.

Баҳор келди. Кўнгилларга иликлик берувчи баҳор. Баҳорнинг ҳар бир куни, табиатдаги ҳар бир ўзгариш менга аямни эслатади. Аям илк баҳорни жуда севардилар. Бу севгини менга ҳам ўргатганлар. Дарахтдаги гулларни, учиб келган қалдирғочларни кўриб, хурсанд бўлардилар ва айвонга чиқиб кўзларида ёш билан Аллоҳга узоқ-узоқ шукрона қилиб, дуо қилишларини эслайман.

Баҳор севгисини невараларига — менинг икки қизалоғимга ҳам ўргатганлари-чи. Кичкинам: “Аяжон, Қаймоқ бувижоним (аямни шундай чақиришарди) қачон келадилар? Гуллар очилди-ку. Бизларни қачон айлантиришга олиб чиқадилар?” деб сўрашгани-сўрашган. Ҳа, гуллар очилганда эринмай, иккаласини олиб, уйлари яқинидаги хиёбонга олиб чиқар, узоқ вақт айлантириб, уйга қайтардилар.

Ўтган йил баҳор кунларининг бирида телефон қилиб: “Қизим, хиёбоннинг чиройли бўлганини кўрсанг. Фотоаппарат топсанг, момошларимни гулларнинг ўртасига қўйиб бир расмга туширай”, — дедилар. Ҳафсала қилмадим. Ўзлари таниш-билишлардан сўраб-суриштириб, фотоаппарат топибдилар. Болаларни ташлаб ишга кетганимда, невараларини олиб тушиб, плёнка тўлгунга қадар суратга туширибдилар. Расмларни чиқартириб, янги альбомга солиб қўйганлар. Вафотларидан бир ҳафта ўтгач, укам альбомни менга узатаётиб: “Опа, қаранг, аям расмларнинг орқасига ёзиб қўйган эканлар”, — деди. Ўқиб йиғлаб юбордим. Ҳар бир сурат орқасида ўзига хос шарҳ кетидан Аллоҳга шукрона келтирганлар. Кичкинамнинг гуллар ўртасида кулиб турган суратининг орқасидаги ёзувни ўқиб, юрагим ачишиб кетди. Худдики келаси баҳорга етолмасликларини сезгандай, навараларига эсдалик бўлиб қолишини билгандай дуо қилиб, дил изҳорларини баён этибдилар:

“Асалим! Ҳаётимнинг энг гўзал гул чечаги. Сени жуда-жуда севаман. Дунёдаги барча гулларни бошингга таққим, оёғинг остига сочгим келади. Аллоҳим толеингни баланд қилсин. Бахту иқболингни тўкис қилиб берсин. Омин!”

Аяжон! Бизларга гўзалликни кўра билишни ўргатдингиз. Бизга гўзал тарбия бердингиз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин”.

Ҳафизахон дўстимиз ҳаётидан денгиздан бир қатрагина ҳикоя қилар эканмиз, ҳикоямизни ҳозирча унинг ўзи жуда ихчам ифодалаган таржимаи ҳолидан бир парча билан тугатамиз:

“...1974 йилда Самарқанд давлт désинститутининг физика-математика факультетини имтиёзли диплом билан тугатар эканман, ўша институт йўлланмаси билан 1976 йилда ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасига келдим. Ўшандан 1992 йилгача ЎзФА Ядро физикаси институтида илмий ходим, 1992-94-йилларда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасида референт, 1994-99-йилларда Тошкент давлат санъат институтида ноширлик бўлимининг бошлиғи, 1999-2000-йилларда “Тафаккур” журнали таҳририятида бўлим мудири бўлиб ишладим ва айни пайтда Ўзбекистон ёшлари муаммолари институтида тадқиқот ишлари олиб бормоқдаман. 2000 йилда “Ўзбек хотин-қизларининг ижтимоийлашув жараёнининг фалсафий муаммолари” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим...

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганман...”

Яратгандан Ҳафиза Насруллаеванинг охиратлари обод бўлишини тилаб қоламиз.

**Раъно РАҲМОН қизи**

Тажриба

# САРЛАВҲА ТОПИШ САНЪАТИ

Хоразмнинг Қўшкўпир туманида “Ҳаёт кўзгуси” газетаси чоп қилинади. Икки минг нусхадан хийла зиёдроқ (воҳа туманлари учун бу катта адад). Мана, бир йилки, газета офсет усулида босилаётир. Шу ўринда “сон ва сифат ҳамжиҳатлиги” деган таърифни айнан шу газетага ҳеч иккиланмасдан бериш мумкин.

Ўқишли, қизиқарли вақтли нашр. Эътиборлиси, бошқа туман рўзномаларидан фарқли газета катта-катта ҳажмдаги мақолалар (аксари қайсидир йиғилиш ҳисоботи, туман ҳокимлиги тадбири ёки ҳуқуқ органларининг “суд очерк”лари)дан иборат эмас. Ҳар сонида ихчам, ўнлаб мақолалар, суратлар бериб борилади. Бирорта сони йўқки, жиддий танқидий чиқиш қилинмаган бўлсин. Маҳаллий журналистлар назаридан четда қолиб кетаётган соҳа ва, албатта, мансабдорнинг ўзи йўқ. Ачинарлиси, бошқа туман газеталарида баъзида ойлаб танқидий материал кўзга ташланмайди...

Газета ҳақида туман ҳокими Бахтиёр ака Ражабовнинг фикри: “Газета кўзгуга ўхшайди. Унга қараб, кам-кўстингни билиб оласан...”

“Ҳаёт кўзгуси”да ҳар бир мақолага минг ўйлаб сарлавҳа қўйилиши ўрганса арзийдиган тажриба. Буни ўзига хос “маҳорат мактаби”га қиёсласак... сира асакамиз кетмайди.

Одатда янги (ҳатто эски бўлсин) газетани қўлига олган ҳар бир банда аввало сарлавҳаларига кўз югуртиради. Ўзига ёққан — эътиборини тортгани бўлса, ўқишга тушади. Муккасидан кетади, деяверинг.

Сарлавҳа бамисли эшикоғасига ўхшайди. Ўзи хизмат қилаётган, тақдим этаётган маҳсулотини биринчи бўлиб реклама қилиш — кўрсатиб бериш унинг зиммасида. Сарлавҳа — эшикоғаси ортидаги сирли оламга сизни сеҳрлаб, керак бўлса, ёқангиздан ушлаб олиб кириши ва яратмиш маҳсулининг эътиборсиз қолмаслиги учун курашиши керак.

“Ҳаёт кўзгуси” газетаси муҳаррири Бекпўлат Ҳасан шундай ўйлайди ва ҳар бир мақолага сарлавҳа топиш масаласига биринчи вазифа сифатида қарайди.

Мана, газета қўлингизда. Одатингизни бузмасдан аввало бир қур сарлавҳаларни кўриб чиқасиз. “Ана энди мажбурий” деган сарлавҳага кўзингиз тушиши билан... шу ерда “саёҳат”ни тўхтатиб, мақолани ўқишга тушасиз. Мақола қизиқарли, ихчам, содда, тушунарли ёзилган. Нима ҳақда дейсизми? Бор-йўғи техника воситаларининг кўриги ҳақида. Аммо ўқувчини тортадиган сарлавҳа топилган ва ўқишбоп қилиб ёзилган. Агарда, шу мақолага “Техника кўриги бошланди” деган эски қолипдаги сарлавҳа қўйилса, соҳа мутахассисларидан бошқа бировнинг назарига тушиши қийин эди. Ёки “Газета текинга офтобга чиқмайди” мақоласи. Гап обуна ҳақида кетяпти, аммо ихчамгина ахборот жойида, мос тушган ва ўқувчини охирги нуқтага қадар қўйиб юбормайди.

“Насияга ишлаганнинг насибаси бутун бўлмас”, “Ёқа ушладим”, “Ҳар кимнинг хатоси ўзига аён”, “Ота қарғиши — ўқ”, “Фаоллар фаол бўлса”, “Енг ичидаги ошпичоқ”, “Чарм билан мовутни фарқламайдиган “уста”, “Эркинларга барака берсин”, “Ҳам яшовчига, ҳам ширкатга маъқул” каби сарлавҳалар остидаги мақолалар одатда биз кўникиб кетган бирор “Саодат йўли”, “Инсонийлик зийнати”, “Муаммолар кўриб чиқилди”, “Туман ҳокимлигида” каби мавҳум сарлавҳалар билан ҳам берилаверса бўладиган мавзулар. Аммо бу мақолаларда бирор соҳа, тармоқнинг оғриқли нуқтаси кўтариб чиқилган. Ўқувчига ихчам мақолада долзарб мавзу оҳанрабо сарлавҳа остида тақдим қилинган.

“Ҳаёт кўзгуси”да беш-ўн қаторлик хабарларга сарлавҳалар ниҳоятда топиб қўйилган. Мисоллар келтирамиз: “Қулоғи” боғланди” хабарида гап ариқларнинг суви боғланиб, экиш тараддудига киришилгани ҳақда. Ёки “Дам” олмайди” хабарида гап қиш мавсумида машина-трактор паркида иш қизғин бўлиши ҳақида, холос. “840 минг туп” хабари баҳорда туманда ўтқазилиши мўлжалланган дарахтлар сони тўғрисида. Бундай кўзтортар ажиб сарлавҳали ихчам хабарлардан юзлаб келтириш мумкин.

Газетада “Лавозим ўзагариши” рукни остида туман идора-ташкилотларида содир бўлган кадр алмашишлар бериб борилади. Ана шундай ахборотдан иккитасини тўлиқ келтирамиз:

*“Тожиев яна раис”. “И. Иброҳимов номли ширкат хўжалиги аъзолари вакилларининг йиғилиши туман ҳокимининг тавсиясини маъқуллаб, М. Тожиевни бошқарув раислигига сайладилар. Янги раҳбар аввал ҳам 1978-1987-йилларда шу хўжаликни бошқарган. Тажрибаси катта, ҳозир 63 ёшда”. “Аввалги ўрнига”. “И. Иброҳимов номли ширкат хўжалиги раиси бўлиб ишлаб келган Бахтиёр Қўчқоров туман “Агротаъминот” ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасига ўтказилди. У 1997-2001-йилларда ҳам шу жамиятга бошчилик қилган эди”.*

Бир-бирини тўлдирувчи икки хабарнинг бор-йўғи шу. Содда ва ҳаммага тушунарли. Бошқа газеталарда эса шундай рубрика бўлса, раҳбарнинг туғилгани, мактабни тугатиб қаерда ўқигани ва қаерларда ишлагани, ҳатто олган нишон, фахрий ёрлиқлари ҳақида кадрлар бўлимидан бошқани қизиқтирмайдиган маълумотлар берилган бўларди. “Ҳаёт кўзгуси”даги ҳамкасбларимиз доимий рукнни ихчам беришнинг ана шу усулини яхши топишган.

Газетанинг рукнлари ҳам яхши ўйлаб топилган. “Керакли гурунг”, “Жиноятнинг башараси”, “Ишлар қалай?”, “Мен сизга айтсам”, “Эпчилга иш кўп”, “Шифокор огоҳлантиради”, “Тарбия бобида”, “Офарин” ва бошқа рукнлар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

“Жамоамизда талаб шу — яхши мақола бўлсин, ундан-да яхши — теша тегмаган сарлавҳа унга ярашиб тушсин. Баъзида яхши мақолага сарлавҳа тополмай, кейинги сонга қолдирган вақтимиз ҳам бўлади. Лекин барибир топамиз”. Булар Бекпўлат Ҳасаннинг эътирофи...

... Салкам йигирма йиллик газетачилик фаолиятига эга одам сифатида ўзимдаги бир “камчилик”ни айтмасам бўлмас. Ҳатто тўрт йўллик хабар бўлсин, яхши сарлавҳа топмагунча ёзув машинкасига ўтира олмайман. Ҳатто танқидий чиқишларимга сарлавҳани ҳафталаб, ойлаб излаган, ўнлаб вариантларини маъқул кўрмаган вақтларим бўлган.

Мақтанишга йўйманг — сарлавҳа топиш бир маҳорат, бир санъат. Аввал мақолани ёзиб, сўнг келган сарлавҳани гўё оғзи боғланган қопга ёрлиқ мисол илдирган ҳамкасбимга ҳавасим келмайди.

... “Комсомольская правда” газетасида материалларга сарлавҳа топиш билан шуғулланадиган махсус бўлим борлиги ҳақида эшитганман. Газета ана шу изланувчанлигидан миллионлаб ададга эга бўлди ва дунёга чиқди...

Сарлавҳашуносликдан роса гап сотгач, хайр-маъзур қилиб, газетанинг сўнгги сонларини ипидан игнасигача ўқиб чиқиб, қайтаётиб йўл-йўлакай бошқа бир тумандаги ҳамкасбларни йўқладим. Салом-аликдан сўнг улар “дастурхон”ни очишди — газетанинг сўнгги сонларини кўрсатишди. Кўз югуртирдим, шўро замонларидан бери таниш “башаралар” — бир қолипдаги сарлавҳалар ҳафсаламни пир қилди, вақтим зиқлигини айтиб “дастурхон”ни ёпдим ва ... ушбу мақолани ёздим.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**журналист**

Тафаккур

СЎЗ билан ифода этилган ҳақиқат одамлар ҳаётида қудратли кучдир.

**Л. ТОЛСТОЙ**

* * *

АГАР менга ҳал қил — газеталарсиз ҳукумат керакми ёки ҳукуматсиз газеталар, дейишса, мен ҳеч иккиланмасдан иккинчисини танлаган бўлардим.

**Т. ЖЕФФЕРСОН,**
**АҚШ собиқ президенти**

* * *

ДОНО одам уни танқид қилаётганлар томонида бўлиши керак. Зеро, у ўзининг заиф томонларини билиб олишдан бошқалардан кўра манфаатлироқдир.

**ЭМЕРСОН**

* * *

ҲАЁТНИНГ жамики қувончу шодлиги ижодда. Ижод — ўлимни маҳв этишдир.

**Р. РОЛЛАН**

Акциядорлик тижорат
«ПАХТАБАНК»
Юртимиздаги барча журналистларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан табриклайди.
Истиқлол ғояларига садоқатли авлодни тарбиялашда халқимизга муносиб турмуш шароитлари яратиш йўлидаги ташаббусларни оммага ёйишда матбуотнинг ўрни беқиёсдир.
Бу байрам нафақат журналистлар, балки барчамизнинг айёмимиздир.
Фаровонлик калити — «ПАХТАБАНК» ҳамиша сиз билан бирга!

